

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчилар (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиг бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараённида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

6. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларидағи Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳакида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

VII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

7.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

7.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

7.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда юборилади.

7.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.